

Мақолада қорақалпоқ тарихий кўшиқларининг алоҳида тур сифатида белгилари қайд этилади. Шу вақтгача қорақалпоқ фольклоридagi жанрларни таснифлашда тарихий кўшиқлар билан тарихий жырлар бир тур сифатида қаралиб келинган. Муаллиф тарихий кўшиқ лирик, тарихий жыр эса эпик асарлар туркумига тааллуқли, деб ҳисоблайди ва буларни бўлиб қарашни таклиф қилади.

РЕЗЮМЕ

В статье отмечены особенности каракалпакских исторических песен как отдельного типа народных песен. До сих пор в классификации жанров каракалпакского фольклора исторические песни и исторические джыры считались одним видом. Автор считает, что историческая песня является лирической, а исторический джыр - частью серии эпических произведений, и предлагает рассматривать их как таковые.

SUMMARY

The article highlights the features of the Karakalpak historical songs as a separate type of folk songs. Until now, in the classification of genres of Karakalpak folklore, historical songs and historical djiys were considered one type. The author believes that the historical song is lyrical, and the historical djiy is a part of a series of epic works, and suggests considering them as such.

Ilm hám jámiyet: Huqıq hám tálim-tárbiya haqqında paydalı keńesler múyeshi

ВАКИЛЛИК ҲОКИМИЯТИНИНГ АХБОРОТ СИЁСАТИ ВА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ МАСАЛАЛАРИ

А.Қ.Байрыева – философия илимлериниң кандидаты, доцент

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Жамиятда олиб борилаётган ислохотлар, қабул қилинаётган қонунлар, қарорлар, дастурлар, стратегияларнинг барчаси фуқаролар тақдирига дахлдордир. Шундай экан, ушбу қонун ва қарорлардан фуқаролар доимий тарзда хабардорми, деган савол туғилади. Албатта, фуқароларимиз ўз вакиллари орқали хабардор бўлади, деган жавобни олиш мумкин. Аммо, рационал таҳиллар бу жавобни қониқарли деб ҳисобламайди. Демократик жамиятда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва роли жуда каттадир. Фуқаролар ушбу институтлар орқали ўз манфаатларини ҳокимият идораларига тезроқ ва батафсилроқ етказиш имкониятига эга.

Жамиятда аввало, фуқаролар ўз тақдирларига дахлдор қонунларнинг, қарорларнинг, дастурларнинг ишлаб чиқишида иштирок этиши ҳақидаги билимларга ва ахборотларга эга бўлиши лозим. Аҳоли ўз ҳудудини ривожлантиришда самарали ва тўлақонли иштирок этиши тўғрисида етарли ахборотга эга бўлмасдан ижобий натижага эришиш қийин. Бирор соҳада кўриб чиқилаётган ишларнинг ҳолати тўғрисида умумий маълумот маълум бўлса, қабул қилинадиган қарор ёки қабул қилинадиган қарорнинг моҳияти тўғрисида зарур маълумотлар мавжуд бўлса, дастлабки қарор лойиҳалари ҳақида ахборотга эга бўлса жамоатчиликда қизиқиш масъулият пайдо бўлади. Фуқаро ўз ҳудудини тараққий эттиришга дахлдорлигини ҳис этади, жамият манфаатларидан келиб чиқиб фикрлаш қобилияти шаклланади, ўз ҳатти-ҳаракатларини бошқаларнинг тақдирига ҳам таъсир этишини англаб яшайди.

Ахборот олиш ҳуқуқи фуқароларга ҳам, уларнинг бирлашмаларига ҳам, фуқаролик жамияти институтларига ҳам тегишлидир. Ахборот олиш нофаол ва фаол равишда амалга оширилиши мумкин. Нофаол ахборот олиш, мисол учун, бу халқ депутатлари вилоят ёки туман кенгазининг оммавий ахборот воситалари, фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари бўлиши мумкин, умуман фуқаролик жамияти институтларига бирор масала бўйича тўлиқ, ишончли, кенг қамровли ва ўз вақтида ахборот тақдим этиш мажбурияти билан боғлиқ бўлса, фаол ахборот олиш даражаси эса халқ депутатлари вилоят ёки туман кенгазининг қўшимча маълумот олиш учун сўровларга жавоб бериш ва мустақил текширувларга ҳалақит бермаслик мажбурияти билан боғлиқ, шунингдек, фуқаролик жамияти институтларининг масалаларини сиёсий ечими билан алоқадор маълумотларни тўплаш йўналишидаги фаолияти ҳам ҳисобланади.

Давлат ҳокимияти органларидан фуқаролар нафақат расмий ташкилотларга бирлашиш шаклида, балки, норасмий ташаббускор гуруҳлар кўринишида ҳам ахборот олиши мумкин. Фуқаролар учун маълумотлар том маънода очиқ, ошқора ва бемалол фойдаланиладиган бўлиши керак. Жамиятнинг ошқораликка эҳтиёжи бор, шунинг учун маълумотлар етарли миқдорда ва ўз вақтида тақдим этилиши зарур, бу эса қарорларни қабул қилишда жамоатчиликка ўз ҳиссаларини қўшишга имкон беради.

Мамлакатимизда аҳолини ахборот билан таъминлаш, уларнинг жамиятда олиб борилаётган ислохотлардан

хабардорлик даражасини юксалтириш борасида изчил ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг VII бобида фуқаролар ўз манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш ҳуқуқи белгиланган. Бош Қонунимизнинг 30-моддаси мазмунини англашиладиган ушбу ҳуқуқ мазкур моддада Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари зиммасига ушбу материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериш мажбурияти тарзида юкланган.

Конституциянинг 29-моддасида ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқи, 32-моддада фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи белгиланган. Бу нормалар фуқароларга ўзларининг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган қарорлар, дастурлар, ҳужжатлар ва бошқа маълумотлар билан танишиб чиқиш орқали бошқа конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш учун имконият беради.

Конституциямизнинг 30-моддасида белгиланган фуқароларни уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиши учун шароит яратиб бериш мажбурияти ахборот эркинлиги қафолатларидан бири бўлиб, бу мамлакатимизнинг ўндан ортиқ қонун ҳужжатларида такомиллаштирилган ҳамда қўшимча механизм ва тартиботлар белгиланган.

Хусусан, “Ахборот эркинлиги принциплари ва қафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда мансабдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар кимга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ахборот билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлаб бериш билан боғлиқ бир қатор механизмлар белгилаб берилган. Унга қўра, Конституция бўйича тегишли мажбурият юкланган юқорида кўйд этилган субъектлар мақбул ахборот ресурслари яратишлари, фойдаланувчиларни фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларига, уларнинг ҳафсизлигига доир ҳамда жамият манфаатларига тааллуқли бошқа масалалар юзасидан ахборот билан оммавий тарзда таъминлашлари шарт [1].

Шунингдек, бу каби нормалар Ўзбекистон Республикасининг бошқа бир қатор амалдаги қонун ҳужжатларида ҳам ўз аксини топган. Хусусан, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуннинг 14-моддаси тўғридан тўғри “Ўзлари тўғрисидаги маълумотларни ичига олган ахборот ресурсларидан юридик ва жисмоний шахсларнинг эркин фойдаланиши”га бағишланган. Унга қўра, юридик ва жисмоний шахслар ўзлари тўғрисидаги маълумотларни ичига олган ахборот ресурсларидан эркин фойдаланиш, мазкур маълумотларнинг тўлиқлиги ҳамда тўғрилигини таъминлаш мақсадида уларга аниқликлар киритиш ҳуқуқига эга. Ўзлари тўғрисидаги маълумотларни ичига олган ахборот ресурсларидан юридик ва жисмоний шахсларнинг эркин фойдаланиши қонун билан

чекланиши мумкин. Юридик ва жисмоний шахсларга ўзлари тўғрисидаги маълумотларни ичига олган ахборот ресурсларидан эркин фойдаланишни ахборот ресурсларининг очиклигини ёки эгаси рад этганлиги устидан судга шикоят қилиниши мумкин [2].

“Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Қонунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш борасида олтига усул кўрсатиб берилган:

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни эълон қилиш (чоп этиш);
- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни уларнинг расмий веб-сайтларида жойлаштириш ва янгиллаб бориш;
- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни ҳамма кириши мумкин бўлган хоналарга ва жойларга жойлаштириш ҳамда янгиллаб бориш;
- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни ахборот-кутубхона ва архив фондлари орқали тақдим этиш;
- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очик хайъат мажлисларида ахборотдан фойдаланувчиларнинг ҳозир бўлиши учун шароитлар яратиш;
- ахборотдан фойдаланувчиларнинг сўрови асосида уларга давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида оғзаки ва ёзма шаклда (шу жумладан, электрон ҳужжат шаклида) ахборот тақдим этиш.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур усуллар қатъий чегараланган эмас. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа усуллар билан ҳам амалга оширилиши имконияти мавжуд. Қонун билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўровни кўриб чиқиш тартиби ҳам белгиллаб берилган. Унга кўра, ахборотдан фойдаланувчининг сўрови рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан кўпи билан ўн беш кунлик муддатда кўриб чиқилиши керак [3].

Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот олиш қафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасида ҳам давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар зиммасига тегишли мажбурият юкланган. Мазкур Қонунда ахборот олиш имкониятини таъминлаш йўллари ҳам кўрсатилган – ахборот олиш имконияти қонун ҳужжатларини ва тегишли материалларни эълон қилиш ва тарқатиш йўли билан таъминланади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони ушбу конституциявий нормани амалга ошириш билан боғлиқ бир қатор муҳим қоидаларни белгиллаб берди. Хусусан, унда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига оид ахборотни тақдим қилишнинг замонавий шакллари жорий этиш кўзда тутилган [4].

Дарҳақиқат халқаро стандартларда ҳам қарорлар қабул қилиш жараёнида иштирок этишда тенг ҳуқуқлиқликнинг тан олиниши, ҳимоя қилиниши, конституция ва қонун ҳужжатлари тартибда амалга оширилиши керак. Бу борада Ўзбекистонда ҳуқуқий асослар етарли даражада яратилган.

Сиёсий қарорлар қабул қилиш борасидаги жамоатчилик маслаҳатлашувларида аҳолининг хабардорлик даражасининг юқорилиги фуқароларнинг фикрларини тўғридан-тўғри ёки фуқаролик жамияти институтлари орқали шакллантириш ва тўплаш имкониятини беради, шу билан бирга қарорларнинг халқ эҳтиёжларидан ва талабларидан келиб чиқиб қабул

қилинишини таъминлайди (қонун ҳужжатларида аниқ кўрсатилган сабабларга кўра махфийлаштирилган ёки маълумотларни ҳимоя қилиш учун чекланган ҳоллар бундан мустасно).

Сиёсий модернизациялаш жараёнида давлат ва фуқаролик жамияти ўзаро мутаносиб равишда ривожланади ҳамда улар ягона социал организмнинг иккита таркибий қисми ҳисобланади. Бу жараёнда давлат ва жамиятнинг узвий икки томонлама манфаатли мулоқоти талаб этилади. Фуқаролик жамияти шакллари экан давлатнинг кўпгина вазифаларини ўз зиммасига олади, унинг ривожланиши учун хизмат қилади.

Сиёсий адабиётларда бундай идеал даражага етиш учун давлат ва жамият, фуқаролар ўртасидаги мулоқот ва ҳамкорлик ўта муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланади. Президент Шавкат Мирзиёевнинг — Халқ билан мулоқот ғояси фуқароларнинг жамиятдаги ўрни ва ролини оширишда туб бурилиш ясади.

Бугун фуқаролар фақатгина маиший муаммолар билан яшаётгани йўқ, балки улар ўз-ўзини камол топтириш, бошқаларни ҳам бунга ундаш, атрофдагиларга ёрдам бериш, давлат ва жамият бошқарувида ўз овози, ўз ғоялари ва ташаббуслари билан иштирок этиш орқали жамият равожига ҳисса қўшиш масъулияти билан яшамоқда. Шунинг учун ҳам бугун халқ депутатларининг, давлат органларининг юртимизда фаолият олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқароларнинг турли бирлашмалари ва уюшмалари билан кенг мулоқот қилишига, уларнинг ҳам манфаатларини тўғри тушунган ҳолда таъминлашига зарурат сезилмоқда.

Ўзбекистонда вакиллик ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг аҳолини хабардорлик даражасини ошириш босқичи катта меҳнат ва ташаббусларни талаб этади. Бугун одамлар замонавий ахборот коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишмоқда. Улар мурожаатларни ҳам, шикоятларни ҳам, ташаббусларини ҳам Интернетдаги ижтимоий тармоқлар орқали йўллашмоқда. Ижтимоий тармоқлар фуқаролар учун нафақат мулоқот воситаси, балки ахборот олиш, янги билимларга эга бўлиш манбаи ҳамдир. Бу эса одамларнинг сиёсий онги ва маданиятини ошиб боришига, жамият ишларига кизикиши ортишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам америкалик олим Г.Рейнгольд шундай ёзади: “Мобиль алоқа ва ялпи компьютерлаштириш ва интернетлаштириш инсоннинг мулоқотидан тортиб меҳнат фаолиятигача ўзгартиришни бошлапти. Шунинг учун ҳам яқин келажақда одамлар “ақлли омма”га айланадилар интернет ва компьютер ёрдамида ўзаро боғланишади ва жипслашишади [5].

Бугун кўпчилик исталган муаммо бўйича Интернет саҳифаларига жойлаштириб овоз йиғишмоқда, тарафдорлар аниқ бўлгач биргалашиб ижтимоий муаммони ҳал этишга масъул давлат идораларига мурожаат қилишмоқда. Бугунги кунда фаол фуқаролар бутун жамиятга ана шу фаолликни “юқтирган” ҳолда умумжаиятга фойда келтирмоқда.

Интернетдаги ижтимоий тармоқлар одамлар учун ўз фикрини ифодалашнинг энг қулай воситасига айланган. Шу боисдан ижтимоий тармоқларда уй-жой масаласи, ёки уй-жойларни таъмирлаш билан боғлиқ ҳолатлар, пул-кредит масалалари, маҳаллий ҳокимият органлари билан муносабатлар бўйича видео, фото мурожаатлар кўп учрамоқда. Бу мурожаатларга давлат ҳокимияти органлари ўз муносабатларини билдиришмоқда.

Интернет горизонтал, назорат қилиб бўлмайдиган ва бир вақтнинг ўзида “бир кишидан бошқасига” ва “бир кишидан кўп кишига” тамойили бўйича арзон мулоқот каналидир, шунинг учун интернетдан фойдаланишнинг ўзи фуқаролик ташаббусларини юзага келтирмоқда.

Умуман олганда аҳолини ахборотлардан хабардорлик даражасини ошириш вакиллик ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигини кучайтиришда муҳим босқич сифатида аҳамиятлидир. Буни бугунги кундаги пандемия шароити ҳам исботламоқда.